

Ҳожиларнинг овоз бериш жараёни



14:54 / 09.07.2023 2041

9 июль. Маккаи мукаррама. “Рошидия” меҳмонхонаси.

Айни кунларда Саудия Арабистонида ҳаж сафарида бўлиб турган Ўзбекистон фуқаролари эрта тонгдан меҳмонхона фойесида ташкил этилган сайлов участкасига кела бошлади. Улар юртимиз тарихидаги муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиб, энг муносиб номзодга овоз бера бошладилар.

Сайловчилар ўзларининг конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда мамлакатимиз ва чет давлатларда ташкил этилган барча шарт-шароитга эга сайлов участкаларида овоз беряптилар. Тошкент шаҳридаги 14-сайлов округига бириктирилган Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистонидаги Жидда шаҳрида жойлашган Бош консулхонасидаги 39-участка сайлов комиссияси томонидан зиёратчилар учун Макка шаҳридаги

“Рошидия” меҳмонхонасида овоз бериш пункти ташкил этилди.







